O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

Маънавий қадриятларсиз, асрлар давомида шаклланган имон-эътиқодидан маҳрум бўлган халқ ўсмайди, тараққий этмайди. Юртдошларимиз ўзларини Ватанимизда, жумладан, мана шу масканда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг оддий кузатувчилари эмас, балки ташаббускори ва иштирокчилари сифатида ҳис этишлари муҳим.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 26-aprel • Payshanba • 50 (27.695) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan



МАЪНАВИЯТ ВА МАДАНИЯТГА ЭЪТИБОРНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ 25 АПРЕЛЬ КУНИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ҲАЗРАТИ ИМОМ МАЖМУАСИГА ТАШРИФ БУЮРИБ, БУ ЕРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ.

Юртимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни тиклаш ва асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк аллома ва азиз-авлиёларимиз муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, уларнинг бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшларимиз онг-шуурига сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Улкан тарихий-маданий ва сиёсий аҳамиятга эга ушбу воқеа жаҳон ҳамжамияти ҳамда юртдошларимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Президент Ислом Каримов бу воқеага «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи», деб таъриф берди.

Диёримизда муқаддас ислом дини ва фалсафасини, инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишда йирик илмий-маърифий марказ сифатида хизмат қилаётган Ҳазрати Имом мажмуасини шу пайтгача асосан пастқам иморатлар қуршаб турар, унга элтадиган кўчалар бугунги талабларга жавоб бермас эди.

Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуаси юртимиз ва мусулмон оламида катта обрў-эътибор қозонган табаррук маскан ҳисобланади. Мамлакатимиз пойтахтида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган ана шу қутлуғ қадамжонинг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтган йилнинг ноябрь ойидан бу ерда кенг кўламли таъмирлаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошланди. Бугун гўзал қиёфа касб этган ушбу гўшани таниш қийин.

(Давоми 2-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 апрель куни Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонасига ташриф буюрди.

Мамлакатимиз раҳбари Россия Федерациясининг биринчи президенти Борис Ельцин вафот этгани муносабати билан Ўзбекистон халқи ва ҳукумати номидан Россия халқи ва ҳукуматига чуқур ҳамдардлик билдирди. Юксак ақл-заковат ва бой тажриба соҳиби, янги мустақил Россияда давлатчиликни тиклаш ишларининг асосчиси бўлган Борис Ельцин 23 апрель куни юрак қонтомир хасталигининг кучайиши оқибатида ҳаётдан кўз юмди.

Президент Ислом Каримов Таъзия китобига чуқур ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдирди. Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшин билан суҳбатда Ўзбекистон Россия билан ҳамиша елкадош бўлиб келганини, бугун ҳам унинг қайғусига шерик эканлигини таъкидлади.

(ЎзА)

УКРАИНА БОШ ВАЗИРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Украина Бош вазири Виктор Янукович 25 апрель куни амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 26 апрель куни бўлиб ўтади. Юқори мартабали меҳмоннинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Бош вазир Шавкат Мирзиёев билан учрашуви кўзда тутилган.

Музокараларда Ўзбекистон — Украина муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама қилиниб, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашиш кутилмоқда.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2006 йилги ҳисоботини эшитдилар. Ушбу масала бўйича Ҳисоб палатасининг раиси Б.Мусаев сўзга чиқди. Маърузачи таъкидладики, ўтган йили Ҳисоб палатаси бюджет ва солиқ ислоҳотларини чуқурлаштириш жараёнларини ўрганиш мақсадида даромадларнинг тўлиқ шакллантирилишини ҳамда мамлакатнинг Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари маблағлари сарфланишининг асослилигини таҳлил қилди.

Ҳисобот йилида Ҳисоб палатаси аниқланган молиявий қоидабузарликларга ҳуқуқий баҳо бериш борасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан, давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарарлар суммаларини бюджет даромадига ундириш борасида эса Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликни амалга оширди.

Давлат бюджетининг Умумий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимини ривожлантириш давлат дастурларини рўёбга чиқариш харажатларини, Давлат бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари маблағларини сарфлаш самарадорлигини ўрганиш, шунингдек мамлакатнинг шаҳарни ташкил этувчи саноат корхоналарининг валюта маблағларидан оқилона фойдаланиши устидан назорат қилиш 2006 йилда Ҳисоб палатаси назорат тадбирларининг устувор йўналишлари этиб белгиланди. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари тўлиқ шакллантирилишини ва маблағлари сарфланиши самарадорлигини, шунингдек бюджетлараро муносабатларнинг тўғри амалга оширилишини ўрганиш мақсадида Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида Ҳисоб палатаси томонидан текширувлар ўтказилди.

Назорат тадбирлари натижалари бўйича Давлат бюджети даромадларига қўшимча захиралар қидириб топиш, молиявий қоидабузарликларга барҳам бериш ва зарарларнинг ўрнини қоплаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳисоб палатаси текширувларининг жиноят таркиби белгиларига эга бўлган материаллари тегишли мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун прокуратура органларига топширилди.

Текширувлар ўтказилган вазирликлар, идоралар ва корхоналарнинг номига молиявий қоидабузарликларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш учун Ҳисоб палатасининг 27та кўрсатмаси юборилган бўлиб, уларда камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги талаблар билан бир қаторда Давлат бюджети даромадларини кўпайтириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Савол-жавоблардан кейин ҳисобот батафсил муҳокама қилиниб, унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар Ҳисоб палатаси бюджет ва бюджетдан ташқари даромадларни шакллантириш, бюджет харажатларини молиялаштириш, ташқи савдо айланмасининг тузилиши ва ҳолати устидан назорат қилиш борасида катта иш қилганлигини таъкидладилар. Шу билан бирга депутатлар иқтисодиётнинг базавий тармоқларида молиявий назоратни кучайтириш зарурлигини уқтириб ўтдилар.

Муҳокама чоғида билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2006 йилги ҳисоботини тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилди.

(ЎзА)

❖ **ЎзХДП ҳаёти**

ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРДА АЁЛЛАРНИНГ РОЛИ

Бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий жабҳаларда фаол иштирокини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти. Бу борада айниқса, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, қатор нодавлат ва жамоат ташкилотлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан қилинаётган саъй-ҳаракатлар самарали бўлмоқда.

Яқинда пойтахтимизда ана шундай тадбирлардан бири — «Жамиятнинг демократик ривожланишида маҳалла етакчи аёлларининг ролини ошириш истиқболлари» мавзуида форум бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, нодавлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллалар вакиллари, фаол аёллар иштирок этдилар. Тадбир давомида иштирокчилар маҳаллаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантиришда хотин-қизларнинг, фуқаролар йиғинлари ва хотин-қизлар кенгашлари раисларининг ўрни хусусида фикрлашдилар. Шунингдек, Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳаракатининг ривожланиш истиқболлари, уларнинг сиёсий жараёнларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги иштирокини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Форумда сўзга чиққан ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева аёлларни ижтимоий ҳимоялаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, уларга партиямиз ташкилотлари қўшаётган ҳисса ҳақида фикрларини билдирди.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ

❖ **«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар**

«ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТИЛДИ...»

Газетамизнинг шу йил 27 март сонида «Қўш меҳнат дафтарча» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган эди. Унда Сурхондарё вилояти, Узун тумани, «Гулистон» ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси томонидан ўтказилган танловда фуқаро Н.Тошқувватов қалбаки меҳнат дафтарчаси билан иштирок этиб, танлов ғолиби бўлганлиги ҳақида ёзилган эди.

Мақола вилоят прокуратураси эътиборига ҳавола қилинган эди. Куни кеча вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари номидан хат олдик.

«Узун туман прокуратураси томонидан мақолада қайд этилган ҳолатлар ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Н.Тошқувватов 2005 йил 1 ноябрдан ҳозирги вақтга қадар Денов туманидаги 20-сонли умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчи вазифасида ишлаб келган бўлса-да, «Гулистон» ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси томонидан ўтказилаётган танловда иштирок этиш ва танлов ғолиби бўлиш мақсадида танлов комиссиясидан мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келаётганлигини яшириб, аксинча «Гулистон» ширкат хўжалигининг собиқ кадрлар бўлими бошлиғи М.Тўрақулов, Денов туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг собиқ кадрлар бўлими бошлиғи М.Қодиров ва Узун туманидаги «Чинор» фермер хўжалиги бошлиғи А.Қорабоевлар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 1986 йил 15 майдан 2000 йил 18 августга қадар «Гулистон» ширкат хўжалигида ишчи ва тракторчи, 2001 йил 3 ноябрдан 2005 йил 1 январга қадар Денов тумани, «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида ишчи ва 2005 йил 2 апрелдан ҳозирги кунга қадар «Чинор» фермер хўжалигида иш бошқарувчи вазифасида ишлаб келаётганлиги ҳақида УЗБ №0122833-сонли қалбаки меҳнат дафтарчаси тайёрлаб, ушбу қалбаки меҳнат дафтарчаси билан «Гулистон» ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси томонидан 1-11 ва 1-46-сонли лойиҳалар бўйича ўтазилган танловда иштирок этиб, танлов ғолиби деб топилган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан Узун туман прокурори томонидан 2007 йил 9 апрель куни Н.Тошқувватов ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси, 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Мазкур жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари Узун туман ички ишлар бўлими терговчилари томонидан олиб борилмоқда.

Шунингдек, Узун туман прокурори томонидан 2007 йил 15 апрель куни Узун тумани «Гулистон» ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясининг 1-11 ва 1-46-сонли лойиҳалар бўйича Н.Тошқувватовни танлов ғолиби деб топиш ҳақидаги 2007 йил 3 январдаги 6-сонли йиғилиш баённомаси қарорини бекор қилиш ҳамда 18 апрель куни Узун тумани ҳокимининг 2007 йил 15 январдаги «Гулистон» ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясининг 2007 йил 3 январдаги 6-сонли йиғилиш баённомаси қарорини тасдиқлаш ҳақида»ги 250-сонли қарорини бекор қилиш ҳақида протестлар келтирилди.

Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Б.Р.ЭРГАШЕВ»

❖ **9 май – Хотира ва Қадрлаш куни**

АДИБ ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ҳамид Ғулом замондошлари хотирасида» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, олимлар, адабиёт мухлислари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, адабиётшунос Наим Каримов, Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон ва бошқалар мамлакатимизда миллий адабиётимизни равнақ топтириш, атоқли адиблар хотирасини эъзозлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Кўплаб насрий, шеърий, драматик ва публицистик асарлар муаллифи бўлган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом сермаҳсул ижодкорлардан эди.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган «Ҳамид Ғулом замондошлари хотирасида» китобида унинг дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдларининг адиб ҳақидаги хотиралари билан танишиш мумкин.

Н. УСМОНОВА, ЎзА мухбири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

МАЪНАВИЯТ ВА МАДАНИЯТГА ЭЪТИБОРНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ислом Каримов, даставвал, Ҳазрати Имом меъморий мажмуасининг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш борасида қилинаётган ишларни кўздан кечирди.

Президентимизнинг шу йил 20 февраль куни қабул қилинган «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Қарорида халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган мазкур меъморий мажмуанинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш вазифаси белгилаб берилган.

Қарийб 9,5 гектар майдонни эгаллаган Ҳазрати Имом меъморий мажмуаси олдидан ўтадиган Кайковус ариғи тубдан таъмирланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг янги биноси замонавий кўриниши билан кўзни қувнатади.

Ислом Каримов қадимий ва ноёб қўлёзмалар сақланаётган кутубхонани кўздан кечирди. Мамлакатимиз кутубхоначилиги тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, кутубхона ишини такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

— Бу ердаги нодир ва қадимий китобларга бепарво, юзаки қараш мумкин эмас, — деди Президентимиз.

Юртбошимиз мажлислар зали ва иш хоналарини жиҳозлаш, илғор техникадан, бошқариш ускуналари ва коммуникация тизимларидан самарали фойдаланиш масаласига эътиборни қаратди.

Мажмуага туташ ҳудудда «Истиқлол» маҳалла маркази биноси қад ростлаган. Давлатимиз раҳбари шу ерда маҳалла фаоллари билан мулоқотда бўлди.

— Маънавий қадриятларсиз, асрлар давомида шаклланган имон-эътиқодидан маҳрум бўлган халқ ўсмайди, тараққий этмайди. Юртдошларимиз ўзларини Ватанимизда, жумладан, мана шу масканда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг оддий кузатувчилари эмас, балки ташаббускори ва иштирокчилари сифатида ҳис этишлари муҳим, —деди Юртбошимиз.

Бугун наинки Ҳазрати Имом меъморий мажмуи улкан қурилиш майдонига айланган, айни чоғда мажмуа таркибидаги Қаффол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тиллашайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидаларда ҳам иш қизғин.

Ҳазрати Имом мажмуидаги объектларни таъмирлаш ва бу ерда қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш бўйича кўзда тутилган ишлар тасдиқланган жадвал асосида амалга оширилмоқда. Президентимиз бу ердаги ишлар билан танишиш асносида, ёдгорликлар пештоқидаги нақшларнинг асл ҳолини тиклаш, айниқса, қадимий ёзувларни тиклашда эҳтиёткорлик билан иш тутиш зарурлигини қайд этди.

Ислом Каримов мажмуада сақланаётган Қуръони каримнинг энг қадимий нусхаларидан бўлган Усмон Қуръонини кўрар экан, унинг юртимизга буюк бобокалонимиз Амир Темур томонидан олиб келинганлигига эътиборни қаратди.

Мажмуада Президентимизнинг ташаббуси билан қўш гумбазли, икки минорали муаззам масжид қад ростламоқда. Ушбу бетакрор иншоот нафақат пойтахтимиз, балки бутун юртимиздаги энг йирик масжид бўлади.

Президентимиз иншоотнинг қурилиши, унда шарт-шароитлар яратиш юзасидан тавсиялар берди.

Президентимиз Ҳазрати Имом жамоатчилик жамғармасининг юртдошларимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади. Ушбу жамғармага тушаётган маблағ мана шу мажмуани обод қилишга, янги масжид қурилишига сарфланмоқда.

Ҳа, миллий қадриятларимизни, анъана ва удумларимизни тиклаш ва ривожлантириш, маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари истиқлол берган имкониятларнинг ёрқин намуналаридандир.

Ғулом МИРЗО, Норали ОЧИЛОВ,
ЎзА мухбирлари
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА)
олган суратлар

❖ «Истиқбол» — «Камолот»

ҲАМКОРЛИК — МАҚСАД САРИ ЯҚИН ЙЎЛ

Ҳар даврнинг ўз ёшлари, уларнинг ўзларига хос хусусиятлари бўлади. Мустақиллик даври ёшлари ҳақида гап кетганда, ўсиб келаётган авлоднинг ижтимоий-сиёсий фаолликларини алоҳида таъкидлаш лозим. Келажакда улар орасидан қўллаб давлат ва жамоат арбоблари етишиб чиқиши табиий. Фақат бугун уларни маънавий ва ижтимой жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўз иқтидорларини намоён этишларига имконият яратиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳам айнан шундай вазифаларни бажариш, ўсиб келаётган авлодни сиёсий фаолиятга, ижтимоий фаолликка жалб этишда маълум мактабни ўташ мақсадида ташкил этилган.

«Истиқбол» ёшлар қанотининг олдига қўйган мақсадлари ҳамда вазифалари асосан икки йўналишдан иборат. Биринчиси, сиёсий, яъни ЎзХДП ғояларини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, ёшларни партия дастурий мақсадларини бажаришга жалб қилиш, улар орасидан келгусида депутатликка ва партиянинг сайланма органларига номзодларни профессионал жиҳатдан тайёрлаш... Иккинчиси, ижтимоий ҳаёт билан бевосита боғлиқ. Яъни, жамиятда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, таълим-тарбия олиш учун кенг шароитлар яратилишига ёрдамлашиш, уларни ҳар хил диний оқимлар таъсиридан, гиёҳвандлик, алкоголизм, кашандалик ва бошқа иллатлардан асраш, шунингдек, уларда шу Ватан, шу муқаддас юртга даҳлдорлик ҳиссини янада кучайтириш, XXI асрда кучли Ўзбекистонни барпо этиш ғоясини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш. Кўриниб турибдики, мақсад-вазифалар кўлами кенг. «Истиқбол» ёшлар қаноти ўз мақсадини амалга ошириш учун турли давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келаяпти. Бу борада сўл сиёсий партиянинг ёш етакчилари бугун фаолиятига олти йил тўлган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маҳаллий ташкилотлари билан олиб бораётган самарали алоқаларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Олдимиздаги мақсадларимиздан бири ёшларнинг ишсиз қолишига қарши курашишдир, — дейди Ўзбекистон ХДП Наманган туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Умиджон Солиев. — Айниқса, қўлида касби, ҳунари бўлган ёшлар бекор қолмаслиги керак. Бу масалада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам ўз тадбирларини амалга ошириб келмоқда. Яқинда биз ҳамкорликда лойиҳа ишлаб чиқдик. Унга кўра, айни пайтда туманимиздаги коллежлар ўртасида «Танлаган касбимдан фахрланаман» деб номланган фестиваллар ўтказилаяпти. Бу тадбирларда иштирок этаётган корхона, ташкилотлар вакиллари ўзларига керакли мутахассисларни жалб этиш, мактаб ўқувчилари эса ўзлари учун касб танлаш имкониятига эга бўлаяптилар.

— Биз соғлом авлодни тарбиялаш, ўксик қалбларга малҳам бериш, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси ўринбосари Дилмурод Зуфаров. — Ўзим Тошкент педиатрия-тиббиёт институтида «Камолот» етакчиси эканлигим «Истиқбол» ва ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларининг ҳамкорлигини ташкил этишда қўл келаяпти. Биргалашиб бир неча бор Республика болалар полиомиелит шифохонасига, Собир Раҳимов туманидаги 21-, 31-Меҳрибонлик уйларига ташриф буюрдик. У ердаги болалар иштирокида турли концерт, кўнгилочар дастурлар уюштирдик.

Бундан ташқари, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш борасида ҳам ҳамкорлик изчил йўлга қўйилган. Бунда кўпроқ ХДПнинг салоҳиятидан, «Камолот»нинг ташкилотчилигидан фойдаланиш яхши самара бераяпти.

— Мақсадларимиздан келиб чиқиб маҳалла, корхона, ташкилотларда ёшлар ўртасида кўплаб тадбирларни ўтказяпмиз, — дейди Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Хуршидабону Холиқова. — Бу борада тажрибамиз ҳам, имкониятларимиз ҳам етарли. Қолаверса, партиямизнинг бошланғич ташкилотлари етакчилари ва фаоллари кучидан ҳам самарали фойдаланамиз. Таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари билан ишлашда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари билан ҳамкорлигимиз яхши самара бераяпти. Шу вақтга қадар олий, ўрта-махсус ўқув даргоҳларида ёшларни турли оқимлар, иллатлардан ҳимоя қилиш, ўз келажагини ўзи қуришга йўналтириш борасида кўплаб семинарлар, давра суҳбатларини ўтказдик. Ўйлайманки, бу ҳамкорлигимиз янада ривожланиб боради.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолларининг «Камолот» етакчилари билан ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу ҳамкорлик икки томоннинг ҳам мақсадларига хизмат қилаяпти. Ишонамизки, ёшлар ўзаро алоқаларнинг ҳали кўплаб қирраларини кашф этишади.

Беҳзод ШУКУРОВ,
ЎзХДП «Истиқбол»
ёшлар қаноти фаоли

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати, ХДП фаоли, «Ўзгеобурғунефтгаз» акциядорлик компанияси бош директори Тўйчи Шоймуротов ҳомийлигида 42-Миришкор сайлов округи ҳудудида истиқомат қилаётган нуроний отахонлар, партия фаоллари ва ёшлар вакилларининг Самарқанд шаҳрига зиёрати ташкил этилди. Улар Шоҳи Зинда мажмуаси, Амир Темур мақбарси, Бибихоним мадрасаси, Регистон майдони ҳамда Имом Ал-Бухорий зиёратгоҳида бўлиб, бу муқаддас қадамжоларни зиёрат қилдилар.

Тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Улар мамлакатимиз Президентининг ташаббуси ва раҳнамолигида бу тарихий обидалар таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилганлигини ҳамда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги юбилейи муносабати билан олиб борилаётган улкан ободонлаштириш ишларини ўз кўзлари билан кўриб ҳайратландилар ҳамда фахрландилар.

Депутат Тўйчи Шоймуротов билан суҳбатлашганимизда, у киши ўз режасида 2007 йилда ўз сайлов округида яшовчи ҳамда партия электорати, фаоллар иштирокида Бухоро ва Хива шаҳарларига ҳам зиёрат уюштириш нияти борлигини маълум қилди.

«Ижтимоий ҳимоя — бизнинг дастурий ғоя» — Хонқа фуқаролар йиғинида ўтказилган тадбир шу мавзуда ташкил этилди. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида ЎзХДП **Хонқа туман кенгаши** томонидан ўтказилган мазкур давра суҳбатида партия электоратига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам масалаларида ЎзХДП ташкилотларининг ташаббуслари, уларнинг бу борадаги ишларини кучайтириш ҳақида фикр юритилди.

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгашида «Ёшларнинг жамиятда ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Баҳс-мунозара шаклида ўтган тадбирда ёшлар «ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти — партиямиз таянчи», «Ўзбекистонда олиб борилаётган ёшлар сиёсати», «Ёш лидерларнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни ва роли» каби мавзуларда маърузалар тинглаб, қизғин баҳс-мунозара юритдилар.

Янгиариқ туман кенгаши «Ўзбекистон ХДП электорати: ижтимоий таркиби, манфаатлари ва эҳтиёжлари, электорат ижтимоий муаммолари ва манфаатлари мониторингини амалга ошириш шакллари, партия кенгашлари ва депутатлар тузилмалари фаолиятида уларни ҳисобга олиш» мавзуида навбатдаги сиёсий семинар машғулотини ўтказди.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати

❖ Бугун – Халқаро интеллектуал мулк куни

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

2000 йили Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан 26 апрель – Халқаро интеллектуал мулк куни, деб эълон қилинган эди. Интеллектуал мулкни ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари миллий қонунчилигимизда алоҳида ўрин тутади. Бундан икки йил муқаддам мамлакатимизнинг Адабий-бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясига қўшилгани бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар муҳофазасини таъминлашга оид улкан ишлар амалга оширилди. Соҳага оид миллий қонунчилик асослари яратилди ва улар замонга, халқаро андазаларга мос тарзда такомиллаштирилди.

Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланиб келаётган халқаро ташкилотлар — ЮНЕСКО, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, Жаҳон савдо ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлигидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, бугунги кунда соҳадаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, ички ишлар, прокуратура, божхона, суд, солиқ идоралари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган. Шу йилнинг 24 февраль куни пойтахтимиздаги «Янгиобод» бозорида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда ўтказилган рейд натижасида беш мингдан зиёд контрафакт диск қўлга олинди ва суд қарори билан йўқ қилинди.

Мазкур йўналишда мамлакатимизда сўнгги икки ой давомида ўтказилган тадбирлар давомида 30 мингдан ортиқ контрафакт диск аниқланди. Бундай ҳолатга йўл қўйган олти нафар сотувчи тегишли тартибда маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шу боис ҳам асарларни турли кўринишда кўпайтириш ва сотиш билан шуғулланадиган компания ва субъектлар ўртасида қонунчиликка риоя қилиш борасида зарур тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Фарғона вилоятининг Бувайда тумани Ойдинкўл қишлоғида янги врачлик пункти ишга туширилди.

Туман ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бўлими ташаббуси ва ҳомийлар кўмагида қуриб битказилган янги шифо маскани эмлаш, физиотерапия, лаборатория, оналар ва болалар бўлими, дорихона ҳамда кундузги стационарга эга.

Туман марказидан анча олисда жойлашган қишлоқ аҳли яратилган бундай қулайликлардан мамнун.

— Тиббиёт маскани замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди, — дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими бош шифокори Холматжон Деҳқонов. — Асосий мақсадимиз жойларда аҳолига, хусусан, қишлоқ аҳлига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишдан иборат. Айни кунгача туманимизда йигирмага яқин янги қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

❖ Банк ва мижоз

ЯНГИ ХИЗМАТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

МАҚСАДИДА «МИКРОКРЕДИТБАНК» АТБ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ ТАДБИРЛАР МИҚЁСИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

MIKROKREDITBANK

Қадимий Чуст азалдан «Ҳунармандлар шаҳри» деб эътироф этиб келинган. Бугунги кунда ҳам бу анъана давом этмоқда. Зеро Чуст дўппилари, пичоқлари ҳамон оламга машҳур. Бунинг боиси шуки, шаҳарда ҳунармандлар ўртасида соғлом рақобат мавжуд.

Хусусий тадбиркор Баҳодир Мамажонов ҳам кейинги йилларда миллий пичоқчиликни ривожлантиришга ҳаракат қилаётир. Унга бу борада «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки Наманган вилоят бошқармасининг Чуст бўлими ёрдамга келди. Банк томонидан тадбиркорга бошланғич сармояни шакллантириш учун 18 ой муддатга йиллик 5 фоиз тўлов билан 540 минг сўм микрокредит ажратилди. Бунинг ҳисобига қўшимча ишчи ўрни яратилди.

Ҳозирги пайтда Б.Мамажонов томонидан ишлаб чиқарилаётган миллий пичоқлар ва эсдалик сифатида тайёрланган турли шамшир ва ханжарлар нафақат республикамизда, балки юртимизга келаётган хорижий сайёҳлар орасида ҳам машҳур.

Ҳамида Бобоева раҳбарлигидаги «Ойбек Хушноза Паризода» хусусий корхонаси ҳам «Микрокредитбанк» хизматидан мамнун. Негаки, хусусий корхонадагилар банкнинг Поп туман бўлимидан йиллик 14 фоизлик 4 миллион сўм микрокредит олишган экан. Натижада бу ерда қўшимча учта янги иш ўрни яратилди. Корхона 2007 йилнинг 1 январигача 5 миллион 560 минг сўм товар айланмасига эришди. Кредит фоизларини эса вақтида қайтариб турибди.

«Фарангиз Ҳайрулло табиб» хусусий фирмаси эса айланма маблағларни тўлдириш мақсадида йиллик 14 фоиз шарти билан бир миллион сўмлик микрокредит олганди. Корхонадагилар шу йилнинг 1 январигача 2 млн. 400 минг сўмлик савдо айланмасига эришдилар.

Тўрақўрғонлик Усмонжон Фозилов ўтган йили банкдан 5 миллион сўм кредит олиб, иссиқхона қурди. Олтита ишчи ўрни яратди. Бутун қишбўйи халқимизга сифатли сабзавот ва гул етказиб берди.

«Микрокредитбанк» АТБ Наманган вилоят бошқармаси томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларида аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан бахраманд бўлишини таъминлаш бўйича ўтган йил майдан 2007 йилнинг 1 апрелига қадар 588 та хўжалик субъектига 1202,0 млн. сўм микрокредитлар ажратилди. Шундан бошланғич сармояни шакллантириш учун 297,8 млн. сўмлик, бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағни тўлдиришга 737,0 млн. сўмлик, микролизинг хизматлари учун 167,2 млн. сўмлик кредитлар ажратилди. 1819 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Қишлоқ хўжалиги учун мини технологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган «Агро Мини Тех Экспо — 2006» кўргазма-савдосида тузилган шартномаларни молиявий таъминлаш мақсадида анчагина ишлар қилинди. Жумладан, 2007 йил I-чорак учун 3 та хўжалик субъектига 14.0 млн. сўм кредит ажратиш мўлжалланган эди. «Фарҳод» фермер хўжалигига 4.8 млн сўм, Деҳқон фермер хўжаликлари уюшмасига 8.0 млн. сўм ва «Боборасулов Исоқхон» фермер хўжалигига 1.2 млн. сўм берилди.

19 та хўжалик субъектига иссиқхона қуриш учун 47.8 млн. сўм кредит ажратилди.

Ҳозирги пайтда айниқса, парандачиликни ривожлантиришга эътибор кучаймоқда. Бу иш билан шуғулланувчи оилалар учун 250,0 млн. сўмлик 31 та лойиҳа кредит ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Айниқса, уй бекалари бўлмиш хотин-қизларга қулай шароитлар яратилмоқда. Шу йилнинг уч ойидаёқ 120 нафар аёлга 121 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилганлиги қувончли. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш учун 31 та кам таъминланган оилага 28 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Шу йилнинг дастлабки ойларида банк мижозлари сони 483 тага кўпайди.

Бошқарма жамоаси пул муаммосини барқарорлаштириш, миллий валютани мустаҳкамлаш ва муомаладаги нақд пул маблағларини қисқартириш тадбирларини муваффақиятли амалга оширмоқда. Мижозларнинг нақд пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида пул айланиши ва тез сотиладиган халқ истеъмоли моллари сотувидан тушган нақд пул маблағлари устидан мониторинг ўрнатилди. Банкка нақд пул тушуми режаси 114 фоизга уддаланди. Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш давом этяпти. Коммунал тўловлар бўйича эса режа 20 млн. сўмлик ўрнига 23,5 млн. сўм қилиб бажарилди.

Дарвоқе, пластик карточкаларни муомалага киритиш бўйича ҳам муайян ишлар қилинди. 4327 дона пластик карточка муомалага киритилганлиги фикримиз далилидир. Айни пайтда жойларда 26 та терминал ишлаб турибди.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида 46 та импорт шартномаси имзоланганлигини айтиб ўтиш жоиз. 412600 АҚШ доллари миқдоридаги маблағ конвертация қилинди.

«Вестерн Юнион» халқаро пул ўтказмалари тизими бўйича 2007 йил биринчи чораги мобайнида 65 нафар фуқарога 8547,0 АҚШ доллари етказилди.

Бошқармада янги банк хизматларини жорий этиш, банкнинг даромадларини янада ошириш ҳамда мижозларга қулайлик яратиш мақсадида янги-янги тадбирлар белгиланмоқда. Банк ходимлари халқ ичига кириб бормоқда. Бу яқин келажакда «Микрокредитбанк»нинг ҳақиқий маънода «Халқ дардига дармон бўлайлик» деган шиорига ҳамоҳангдир.



Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбирлари

Суратларда: *ажратилган кредитлар эвазига банк мижозлари томонидан яратилган иссиқхона ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар.*

❖ Мутахассис шарҳи

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ



УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУН ШУ ЙИЛНИНГ 1 ИЮЛИДАН БОШЛАБ КУЧГА КИРАДИ. УНГА КЎРА, ҲАЙДОВЧИ ВА ЙЎЛОВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИК КАМАРИНИ ТАҚИБ ЮРИШЛАРИ ШАРТ БЎЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг жорий йил 29-30 мартда бўлиб ўтган тўққизинчи ялпи мажлисида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонунлар маъқулланди. «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун шулар жумласидандир.

Мазкур қонунга мувофиқ ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камари ҳамда мотоцикл ҳайдовчиларининг мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаганликлари учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидалари»да ҳайдовчи ва йўловчиларнинг хавфсизлик камаридан фойдаланиши шарт эканлиги кўзда тутилмаган эди. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 6 мартдаги «Транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан эса «Йўл ҳаракати қоидалари»га ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, 2007 йил 1 июлдан бошлаб конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракатланиб бораётганда ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан мажбурий фойдаланиш тартиби жорий этилади.

«Йўл ҳаракати қоидалари»га асосан конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситаси ҳаракатланиб бораётганда ҳайдовчи хавфсизлик камарини тақиб олиши ва хавфсизлик камарларини тақмаган йўловчиларни ташимаслиги шарт. Шу билан бир қаторда, қуйидагиларга хавфсизлик камари тақмасликка рухсат берилади:

— орқа ўриндиқдаги 12 ёшгача бўлган болалар;

— ҳайдовчиликка ўқиётган ўқувчи транспорт воситасини бошқараётганда бошқаришни ўргатаётган шахс;

— ҳомиладор аёллар, саломатлиги хавфсизлик камари тақиш имконини бермайдиган бемор йўловчилар;

— орқага ҳаракатни амалга ошираётган ҳайдовчилар;

— аҳоли пунктларида ҳаракатланишда — йўналиш таксилари ҳайдовчилари, таксининг орқа ўриндиғидаги йўловчилар;

— аҳоли пунктларида — ташқи қисмига тегишли рангли график схемалар чизилган махсус транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари.

Мотоциклни бошқараётганда ҳайдовчи тугмаланган махсус бош кийими кийиши ва тугмаланган махсус бош кийими киймаган йўловчиларни ташимаслиги керак.

Мазкур қонунни қабул қилишдан мақсад фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари оғир оқибатларининг олдини олишдан иборатдир. Рақамларга эътибор бersак: мамлакатимизда ўтган йили 10853 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган бўлиб, улар оқибатида 2128 нафар шахс ҳалок бўлган, 11881 нафар шахс эса турли даражадаги тан жароҳати олган. Бу каби нохуш ҳолатлар оғир оқибатларнинг олдини олишда ҳайдовчи ва йўловчиларнинг хавфсизлик камарларидан фойдаланишлари катта аҳамиятга эга бўлади.

Хорижий давлатларда ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳаракат давомида хавфсизлик камарларидан фойдаланишлари йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида уларнинг оғир тан жароҳати олишларини 62-65 фоизга камайтиради. Шу билан бирга ҳайдовчиларнинг психо-физиологик ҳолатига таъсир этиб, транспорт воситасини ҳушёр бошқаришга ундайди ва йўл-транспорт ҳодисаларининг 12-14 фоиз камайишига хизмат қилади.

Маълумотларга қараганда, Канадада 1989 йилдан 2003 йилга қадар хавфсизлик камари туфайли 6 мингдан ортиқ фуқаронинг ҳаёти, 120 минг нафарининг саломатлиги сақлаб қолинган. Японияда олиб борилган ҳисоб-китобларга кўра, ҳар 100 та йўл-транспорт ҳодисасидан 75 тасида фуқаролар хавфсизлик камарини тақ̆ганлиги сабабли омон қолган. Бу рақам АҚШда 100 тага — 77 тани ташкил этади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, башарти соатига 50 километр тезлик билан ҳаракатланаётган автомобиль ҳаракатсиз тўсиққа урилса, 80 килограмм вазнга эга бўлган шахс организмига 2 тоннага тенг бўлган зарб кучи таъсир этади... Бу ҳолатда ёш болага 500 килограмм зарб кучи тўғри келар экан. Орқа ўриндиқда ўтирган ва хавфсизлик камарини тақмаган йўловчилар ҳам тўқнашув натижасида бошларини шиддатга уриб, оғир жароҳат олишлари ёки ҳалок бўлишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг амалда самарали татбиқ этилиши мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига ва ҳайдовчи ҳамда йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги Қонун ҳужжатлари мониторинги институти илмий ходими

ЕЛЬЦИН НОМИ АБАДИЙЛАШТИРИЛАДИ

Россиянинг биринчи президенти Борис Ельцин билан видолашув маросими икки кун давом этди. Унда кўплаб хорижий мамлакатларнинг собиқ ва амалдаги давлат раҳбарлари, ҳукумат аъзолари ҳамда Россия жамоатчилиги иштирок этди.

Кеча эса дафн маросими бўлиб ўтди. Борис Ельцин Новодевичье қабристонига дафн этилди. Шу кун Россия президенти Владимир Путин томонидан мотам куни деб эълон қилинди.

Президентнинг Ишлар бошқармаси бош тиббиёт бошқармаси мутахассислари берган манбаларга асосланиб, «Коммерсант» газетаси хабар тарқатишича, Ельциннинг саломатлиги ўлимидан уч кун аввал жуда ёмонлашган. Умуман, умрининг охирги ҳафталарида у Марказий клиника касалхонасида даволанаётганди. Бир ҳафта давомида юраги қаттиқ оғриган. Душанбада эса яхши томонга ўзгариш бўлган, лекин кейин яна ёмонлашиб, икки марта тўхтаб қолган. Биринчи марта юрак тўхтаганда шифокорлар муолажасидан сўнг қайта жонланган, аммо иккинчи бор такрорланган...

«УралИнформБюро» хабарига кўра, ҳозир Б.Ельцин номини абадийлаштириш масалалари кўрилмоқда. У туғилиб ўсган Екатеринбург шаҳри кўчаларидан бири унинг номи билан аталади.

Шаҳар мэри Аркадий Чернецкийнинг айтишича, шаҳарда Ельцинга ёдгорлик ўрнатилади.

ЙЎЛНИ ТЎСИБ ҚЎЙИШДИ

Қирғизистоннинг собиқ президенти Аскар Акаевнинг қизи Бермет Акаева тарафдорлари (500 нафар) Қирғизистонни Хитой билан боғловчи Бишкек — Торугарт автотрассасини харсанг тошлар ва автомобиллар билан тўсиб қўйдилар. Ушбу йўлда 500 дан ортиқ автомобиллар тўпланган. Митинг иштирокчилари ҳатто «тез тиббий ёрдам» машиналарини ҳам ўтказишмаяпти. Улар 35 ёшли Акаева устидан унинг рақиб номзодлари ёзган даъво аризаси Олий суд томонидан ижобий ҳал этилмагунча, йўлни очмасликларини айтмоқдалар. Ҳатто Чуй вилояти, Кемин тумани раҳбари Темирбек Сакеев келиб илтимос қилса-да, йўлни очишмади.

«АКИпресс» ахборот агентлигининг маълум қилишича, «Сиёсий синф» журнали бош муҳаррирининг маслаҳатчиси Бермет Акаева Кемин сайлов округидаги бўшаб қолган депутатлик ўрни учун номзодини қўйиб, кураш олиб бормоқда (Бу ўрин Аскар Акаевнинг ўғли Айдар Акаевники эди. У 2005 йил мартдаги «зарғалдоқ инқилоби»дан сўнг отаси билан бирга Қирғизистондан чиқиб кетган ва парламент мажлисларида қатнашмаган. Шунинг учун Қирғизистон Марказий сайлов комиссияси унинг депутатлик мандатини бекор қилган). Б. Акаеванинг рақиблари эса қонунчилик бузилганини айтиб, Кемин туман судига даъво киритдилар. Яъни қонунчиликка кўра, парламент депутатлигига номзод мамлакат ҳудудида 5 йил доимий яшаган бўлиши шарт. Б. Акаева эса 2005 йил баҳорда — «зарғалдоқ инқилоби»дан сўнг отаси билан бирга мамлакатни тарк этган. 2007 йил март охирида эса Кемин сайлов округи бўйича депутатликка номзоди рўйхатга олинган.

Бўш ўринлар учун Кемин сайлов округида сайлов шу йил 29 апрелда бўлиб ўтади. Бу ердаги битта депутатлик мандати учун 14 номзод кураш олиб бормоқда. Улар орасида Аскар Акаев пайтида Ички ишлар вазирлигини бошқарган Кенешбек Душебаев, бир неча тадбиркор, олим ва сиёсий партиялар вакиллари бор.

Дарвоқе, Кемин туман суди Б. Акаеванинг парламент сайловларида иштирок этишига рухсат берди. Туман суди раисининг айтишича, унга тазйиқ ўтказилгани боис, шундай қарор чиқаришга мажбур бўлган. Яъни маълумотларга қараганда, суд мажлиси пайтида Акаеванинг мингдан беш минггача бўлган тарафдорлари суд биносини ўраб олган ва бинога ёриб кирган. Суд раиси Усенбек Саримсоқов, милиция бошлиғи ва Кемин туман прокурорини 8 соат гаровда ушлаб, Акаева фойдасига қарор чиқаришларини талаб қилишган. Шунинг учун, Саримсоқовнинг айтишича, бошқа чораси қолмаган. Ушбу суд қарори кўриб чиқиш учун Олий судга жўнатилди.

БИРЛАШИШНИ ТАКЛИФ ЭТДИ

Газетамизнинг аввалги сонида Франсияда президент сайловларининг биринчи тури бўлиб ўтганлиги, унда «Халқ ҳаракати иттифоқи учун» ҳукмрон партиядан номзод, собиқ ички ишлар вазири, 53 ёшли Николя Саркози билан мухолифатдаги Социалистик партия вакили, 53 ёшли Сеголен Руаял хоним 6 май куни бўладиган сайловнинг иккинчи турига йўлланма олганлиги ҳақида хабар берган эдик. Кейинги воқеалар ривожи эса тезлашиб, курашлар қизиб кетди. «Associated Press» ахборот агентлиги хабар беришича, Сеголен Руаял хоним биринчи тур сайловларида ютқазиб қўйган яна бир номзод, демократ-центристлар етакчиси Франсуа Байруни бирлашишга чақирди. Иккинчи тур сайловларида Николя Саркозига қарши ҳамкорликда тактика ишлаб чиқиш учун Ф. Байру билан очиқчасига мулоқотга киришишга тайёр эканлигини билдирди.

ЕТАКЧИ ЎРИНГА ЧИҚИБ ОЛДИ

Японияннинг автомобиль ишлаб чиқарувчи «Toyota Motor Gorp.» жорий йилнинг биринчи чорагида автомобиль савдоси бўйича дунёда биринчи ўринга чиқиб олди. Компаниянинг матбуот котиби Сатоси Ямагути бу ҳақда маълум қилди.

Унинг айтишича, 2007 йилнинг дастлабки уч ойида «Toyota Motor Gorp.» 2,348 миллионта автомобиль сотиб, аввалги етакчи — Американинг «General Motors (GM)» компаниясини ортда қолдирди (у 2,26 миллионта автомобиль сотган).

«Associated Press» ахборот агентлигининг маълум қилишича, «Toyota Motor Gorp.» ўз тарихида биринчи марта Америка автогигантини ортда қолдириши.

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

АТ «АЛОҚАБАНК» КЕНГАШИ ВА БОШҚАРУВИ АТ «АЛОҚАБАНК»НИНГ 2006 ЙИЛ ИШ ФАОЛИЯТИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 2007 ЙИЛ 25 МАЙ КУНИ СОАТ 10.00 ДА, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, АМИР ТЕМУР КЎЧАСИ «DEDEMAN» МЕҲМОНХОНАСИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯЛАР ЗАЛИДА ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. АТ «АЛОҚАБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ РЕГЛАМЕНТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА.
2. АТ «АЛОҚАБАНК»НИНГ 2006 ЙИЛ ИШ ФАОЛИЯТИ ЯКУНЛАРИ ВА БАНКНИНГ 2007 ЙИЛГА БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА.
3. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ, ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТАСДИҚЛАШ.
4. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ҲИСОБОТИ ҲАМДА УНИНГ АЪЗОЛАРИНИ ҚАЙТА САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА.
5. «DELOITTE & TOUCHE» ТАШҚИ АУДИТОРЛИК ФИРМАСИ ҲИСОБОТИ ТЎҒРИСИДА.
6. АТ «АЛОҚАБАНК» АКЦИЯЛАРИГА ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТЎҒРИСИДА.
7. БАНКНИНГ 2007 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БИЗНЕС-РЕЖАСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА.
8. БАНК КАПИТАЛИ МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ҲАМДА БАНК УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА.
9. БАНК ТАШҚИ АУДИТОРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА.
10. АТ «АЛОҚАБАНК» КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТАРКИБИ ТЎҒРИСИДА.
11. БАНК БОШҚАРУВИ РАИСИ БИЛАН ТУЗИЛГАН ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА.

УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН АКЦИЯДОРЛАР РЎЙХАТИ АТ «АЛОҚАБАНК» КЕНГАШИНИНГ 2007 ЙИЛ 25 АПРЕЛДАГИ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРИГА АСОСАН 2007 ЙИЛ 25 АПРЕЛЬ КУНИГА ТУЗИЛДИ.

БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИ ВА МАЖЛИС ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ 2007 ЙИЛ 25 МАЙ КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 10.00 ГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ.

АКЦИЯДОРЛАР ЎЗЛАРИ БИЛАН ШАХСИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТ ҲАМДА УЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИДАН НОТАРИАЛ ТАСДИҚЛАНГАН ИШОНЧНОМА БИЛАН КЕЛИШЛАРИ СЎРАЛАДИ.

ҲИСОБОТЛАР БИЛАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ, МИРОБОД ТУМАНИ, ОЙБЕК КЎЧАСИ, 30-УЙ МАНЗИЛДА ЖОЙЛАШГАН БОШ БАНКДА ТАНИШИШИНГИЗ МУМКИН. МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 152-78-06, 152-78-03.

АТ «АЛОҚАБАНК» КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Акциядорлик-тижорат «Алоқабанк»нинг молиявий-хўжалик фаолиятига тегишли муҳим фактлар ҳақида ХАБАРНОМА

07-хабар

Банк томонидан қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхатини тузиш санаси тўғрисидаги карорнинг кабул килиш санаси: 2007 йил 25 апрель.

Қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхати тузиладиган сана: 2007 йил 25 апрель.

10-хабар

Ўзгаришлар содир бўлган банкнинг Бошқарув органи; Банк Бошқаруви.

Банкнинг Бошқарув органига сайланган (тайинланган) ҳар бир шахснинг фамилияси, отасининг исми; Абдураҳманов Маҳмуд Сативалдиевич.

Банк Бошқаруви ва банк Кенгаши сайлаган (тайинланган) шахснинг банк устав капиталидаги улуши; 0,00625 фоиз.

Кўрсатиб ўтилган ўзгаришлар содир бўлган ёки содир бўладиган сана; 2007 йил 25 апрель.

Кўрсатиб ўтилган ўзгаришларга асос бўлган қарорни қабул қилган банкнинг ваколатли органи ва унинг қабул қилиш санаси ёки кўрсатиб ўтилган ўзгаришларга олиб келган бошқа ҳолатлар; Банк кузатув Кенгашининг 2007 йил 25 апрелдаги қарори.

Акциядорлик-тижорат «Алоқабанк» эълон килинган акциялар чиқарилувининг 13-эмиссияси тўлиқ жойлаштириб бўлганлигини маълум қилади.

«ШАҲРИСАБЗ-КОНСЕРВА» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КРЕДИТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Шаҳрисабз туман «Шаҳрисабз-консерва» акциядорлик жамияти Қашқадарё вилоят хўжалик судининг 2006 йил 17 ноябрдаги 18-0501/43-410 сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб эътироф этилган. Шу муносабат билан «Шаҳрисабз-консерва» акциядорлик жамияти кредиторларининг навбатдаги йиғилиши 2007 йил 11 май куни соат 11.00 да Шаҳрисабз шаҳри, Н.Нуғаев кўчаси-1, жамият маъмурий биносида ўтказилади. Йиғилишда иштирок этиш учун «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига кўра, жамиятни суд тугатиш бошқарувчиси номига талаблар баён этилган аризада ташкилотингиз жойлашган манзил, тўлиқ номи, банк реквизитлари (жисмоний шахслар учун паспортга оид маълумотлар) ҳақида ва қарздорлик суммаси ҳамда уни тасдиқловчи (солиштирма далолатнома) ҳужжатлар билан келишув битими тузишда ташкилот номидан келишув битимига овоз бериш ҳуқуқи берилган вакилингизни ваколатнома билан иштирокини таъминлашингизни сўраймиз, акс ҳолда ташкилотингиз, корхонангизга етказилган зарарлар учун суд бошқарувчи ва қарздор жавобгар бўлмайди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 8-бобига асосан келишув битими тўғрисида масала.
2. Бошқа масалалар.

ЖАМИЯТ ТУГАТИШ БОШҚАРУВЧИСИ

ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ

бошланғич таълим методикаси фани бўйича дипломга эга юқори малакали мутахассисни ишга таклиф этади.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 186-уй.
Телефонлар: 368-55-64, 368-55-97.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ёзги жадвалга ўтди.

Ўз саёҳатингизни янги жадвал бўйича режалаштиринг!

2007 йил 17 майдан

Тошкент–Нью-Йорк–Тошкент (Рига орқали)

йўналиши бўйича қўшимча қатнов йўлга қўйилади.

Қатновлар ҳафтасига икки марта:
якшанба кунлари (*қайтиш – душанба кунлари*)
ва пайшанба кунлари (*қайтиш – жума кунлари*)

Шунингдек, 7 майдан **Истанбулга** қатновлар сони оширилиб, ҳафтасига 4 мартага етказилади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» – хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!»

Маълумот учун телефонлар: (998 71) 140-02-00

www.uzairways.com

Барча қатновлар биринчи, бизнес ва иқтисод классида хизмат кўрсатиладиган «Боинг» русумидаги самолётларда бажарилади.

❖ Ўзбекистон ифтихорлари

ДИЛШОД ОРИПОВ:
«ИШҚИБОЗЛАР ОЛҚИШИДАН КУЧ-ҚУВВАТ ОЛАМАН»

Жорий йил мамлакатимиз спортчилари олдида муҳим синовлар турибди. Улар келгуси йили Хитой пойтахти Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи йирик мусобақаларда ўзларини кўрсатишлари лозим.

Олимпия ўйинларида қатнашиш, унда чемпионлик унвонини қўлга киритиш ҳар бир спортчининг орзусидир. Бундай шарафга эса барча ҳам сазовор бўлавермайди. Юнон-рум кураши бўйича Осиё ҳамда жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ва бошқа қатор халқаро турнирлар голиби ва совриндори Дилшод ОРИПОВ (60 кг.) ҳам Пекин олимпиадасига йўлланма олишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган.



— Пойтахтимиздаги «Локомотив» спорт мажмуида мураббий Зинур Кагарманов қўл остида илк машғулотларни бошлаганимда тўққиз ёшда эдим, — дея эслайди Дилшод. — Дастлаб 17 ёшимда Ўзбекистон чемпионатида ғалаба қозонгандим. Шундан бери мамлакат терма жамоаси аъзосиман. Мамлакат бош жамоасига қўшилгач, чин маънода қайта шакландим. Терма жамоа таркибида рақобат кучли эди. Бу рақобатни енгишимда эса мураббийлар Комил Фатхуллин ҳамда Рустам Қудратовларнинг ҳиссаси катта, албатта. Улардан жуда кўп нарсаларни ўргандим.

— Дилшод, халқаро миқёсдаги дастлабки ютуқларингиз ҳақида икки оғиз гапириб бермасангиз...

— Ғалабалар ҳақида сўзлаш, уларни эслаш ёқимли, албатта. 1997 йил Ўзбекистон чемпионатида ўз вазн тоифамда ўтган бешта беллашувда бир хил — 10:0 (!) ҳисобида соф ғалабага эришиб, Осиё чемпионатига аъло кайфиятда жўнаб кетдим. Натижа ҳам шунга яраша: қитъа чемпиони, деган шарафга сазовор бўлгандим. Юртимизда мунтазам ўтказиб келинаётган анъанавий «Ўзбекистон мустақиллик кубоги» халқаро турнири эса мени ҳақиқий курашчи бўлиб етишишимда ўзига хос бир мактаб вазифасини ўтади, десам хато бўлмайди. Ҳамюртларимиз олқиши, қўллаб-қувватлаши остида беллашганимда, кучимга куч қўшилади. Рақибимга деярли имконият қолдирмайман. Ушбу йирик халқаро турнирда бир неча маротаба бош совринга сазовор бўлганим ҳам ана шундан. Қолаверса, 2001 йил Грециядa ўтган жаҳон чемпионатида қўлга киритган олтин медалим ҳам ҳеч бир тасодиф эмас, деб биламан.

— Кейинги йилларда негадир кураш гиламларида кам кўринаётганлигингизни қандай изоҳлайсиз?

— Иссиқ жон иситмасиз бўлмас экан. Тўсатдан вирусли гепатитнинг «А» формаси билан оғриб қолганим кураш гиламларидан узоқлашишимга сабаб бўлганди. Худога шукур, ҳаммаси ортда қолди. Салкам бир йил бўлди, яна кураш билан жиддий шуғуллана бошладим. Мураббийларим ўз вақтида менга далда берганликлари, ишонганликлари учун уларга катта раҳмат. Аввалига шу йил февралда Туркияда ўтган халқаро турнирда бронза медалига сазовор бўлдим. Сўнгра март ойида Тошкентда «Ўзбекистон мустақиллик кубоги» беллашувларида бош совринни қўлга киритгач, янада ўзимга ишонч ортди. Демак, Осиё ва жаҳон чемпионатларида яна ўзимни кўрсатишга ҳали қурбим етади.

Шу ўринда бизни яқиндан қўллаб-қувватлаб келаётган Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси раҳбарияти ёрдамини алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Мусобақаларга кўнгилдагидек тайёргарлик кўришимизга барча шароитларни яратиб бермоқда.

— Кейинги режаларингиз қандай?

— Шу йилнинг кузида Бокуда навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилади. Айнан шу мусобақада келгуси йили бўладиган Пекин олимпиадаси йўлланмалари учун кураш боради. Ушбу жаҳон чемпионатида ўзимни кўрсатиб, Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритишни ният қилганман.

Эркин ХОЛБОБО суҳбатлашди.

❖ Ўзбек феъли

ХАЛОЛ НИМА-Ю, ҲАРОМ НИМА?

Ота-боболаримиз азал-азалдан ҳалол билан ҳаромнинг фарқига катта эътибор бериб келишган. Ҳалол, луқмаи-ҳалол, ҳаром, макруҳ, деган иборалар бежиз айтилмаган. «Ҳаромдан ҳазар қил», «Бу одам бузоқнинг ҳаққи бор деб сигир сутини ичмайди», «Ҳалолнинг илдизи мингта, ҳаромнинг илдизи битта», «Ўзганинг ҳаққи етти дарёни қуритади», деган нақллар халқимизнинг қони-қонига сингиб кетган.

Ҳақиқатан ҳаром ва ҳалолнинг фарқига боришда гап кўп. Ҳаромдан ҳеч ким ҳаловат топмаган. Нопок йўл билан топилган нарса эса барибир буюрмайди, бошқа тарафдан суриб кетади.

Бола эдик. Кечагидек эсимда, ҳовлимиз атрофида картошка экиларди. Картошка ковлаш мавсумида ҳамма далага отланарди. Биз ҳам оиламиз билан бирга картошка йиғишга борардик. Акам, опам картошка ковлашар, биз эса уларни териб юрардик. Кунига йиғилган тонна-тонналаб картошкани қопларга солиб, саранжомлардик. Қоп етмай қолган кунлари картошкани уюм-уюм қилиб тўплаб, устига картошка палак ёпиб, тупроқ билан кўмардик.

Бир куни бригадиримиз мени ёнига чақириб, «мана шуни ойингга олиб бор, пишириб берсин», деб қолди. Мен эса қопни кўтаролмаслигимни айтдим. Буни кузатиб турган картошка ковлаётган йигитлардан бири қопни даст кўтариб, бизникига қараб жўнади. Мен ҳам унинг ортидан эргашдим. Уйга борганимизда ойим картошкани кўриб ҳайрон қолди.

— Бу картошка хўжаликники-ку, кўпчиликнинг ҳаққи, олиб кетинглар, — деди.

— Холажон, буни бригадир бериб юборди, ўғлингиз кўтаролмаганлиги учун мен олиб келдим, тўғрими? — дея менга юзланди ҳалиги йигит.

Раҳматли онам агар бошлиқ айтган бўлса, унинг амри вожиб, дедилар ва картошкани ювиб, қозонга солиб қайнатдилар. Пишгач лаганларга сузиб, далада ишлаётганларни чақирдик.

Шу кезларда хўжалик боғида узум пишиб, тайёрловчилар ҳосил узишга келишди. Улар узумларни узиб, брезент шолча устига чов уришарди. Эртасига сал сўлигач, узумни саралаб яшикларга жойлашарди. Биз эса узилган ва яшикларга жойланган узумларга қоровуллик қилардик. Уларни биров олиб кетиб қолмасин, деб жуда эҳтиётлардик.

Шолчани эса дарахт устига чиқариб, арқон билан чандиб боғлаб қўярдик.

Ногаҳон, чарчоқ сабаб жиндак пинакка кетганимизда кимдир шолчани ўғирлаб кетибди. Ана бўлди ҳангома. Тайёрловчи бизга ҳақ бермайдиган бўлди. Бу хабардан ойниқса, ойим таъсирланди. Кечқурун ҳаммамиз дастурхон атрофида жамландик. Шунда ойим чуқур уҳ тортиб:

— Болаларим, рўзғоримизга ҳаром аралашди. Мен ўша картошкани олмасам бўларкан. Уни пишириб сенларга бекор едирган эканман. Мана ҳаром луқма оқибати, — деди.

— Ахир уни бригадир берганди-ку, — деб гапга аралашдим.

— Бригадир берган бўлса, ўзиникимас кўпчиликнинг ҳаққи эди. Болаларим бугундан бошлаб бундай ҳаром ишларга аралашманглар, ҳаромдан ҳазар қилинглар! — дедилар қатъий оҳангда.

Шу-шу онамизнинг ўгитларига амал қилиб яшашга ҳаракат қилиб келаяпмиз. Ҳалол юрдик, ҳалол ишладик, ҳалол луқма билан бола-чақа боқдик. Бунинг самарасини кўриб турибмиз. Ҳалоллик фақат оилага эмас, жамиятга ҳам беқиёс фойда келтиради. Ҳалолликда гап кўп...

Юнус ЗИЁДОВ, меҳнат фахрийси

«ҚАЙДАСАН, ОЙМОМО?»

Яқинда «Ўзбектелефильм»да Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида Мирзапўлат Тошпўлатовнинг «Ойни ахтараётган бола» қиссаси асосида суратга олинган «Қайдасан, оймомо?» бадиий фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Режиссёр Тожибой Исроилов суратга олган ушбу фильмда Турдибек исмли боланинг беғубор орзу-умидлари, Икром ва Зуҳранинг гўзал севгиси акс этган. Тошкент вилояти, Сўқоқ қишлоғининг манзаралари эса кишига олам-олам завқ бағишлайди.

Фильмда оқибатсизлик, эътиборсизликка қарши безовта қалб ноласи ифода этилади. Асар қаҳрамони Турдибек дунёда яхши одамларнинг кўпайишини, катта-кичик инсонлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва самимият бўлишини хоҳлайди. Фильм ижодкорлари бу образ орқали инсониятни эзгулик ва яхшиликка чорлайди.

Шунингдек, «Қайдасан, оймомо?» бадиий фильмида Анвар Собиров, Маърифат Ортиқова, Ойшахон Жўраева, Тожибой Норматов каби актёрлар ўзига хос образларни яратишган. Фильм 28-29 апрель кунлари «Ўзбекистон» телерадиоканали орқали намойиш этилиши кутилмоқда.

Маъмуржон МАҲМУД

❖ Акс-садо

Хабарингиз бўлса, газетамизнинг ўтган сонларидан бирида «Замонавийлик белгисими ёки...» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда муаллиф жамоатчилик эътиборини қизларимиз ўртасида енгил-елпи кийиниш, соч қирқиш ва сап-сариқ ёки қизил рангларга бўяш каби одатлар кўпайиб бораётганига қаратган эди. Ушбу мақолага газетхонлар томонидан муносабатлар билдириш давом этмоқда.

ЎЗИМИЗГА ХОС ВА МОС БЎЛСИН

(«Замонавийлик белгисими ёки...» «Ўзбекистон овози», 2007 йил 3 март)

— Мен ушбу мақолани ўқиб жуда таъсирландим. Унда айтилган фикрлар мени беихтиёр муносабат билдиришга ундади. Ҳа, минг афсуски, сочи узун қизлар камайиб кетди. Ахир қадимдан соч қизнинг чиройини очадиган гўзаллик белгиси ҳисобланган ва «сочингни қирқсанг, бахтингни қирқасан» деган ақидага амал қилинган. Биз бўлсак, момоларнинг бу ўгитларини унутмоқдамиз. Ўйлаб қоласан киши, буларнинг бошида ўзимиз турмаяпмизми? Гарчи, тан олиш қийин бўлса-да, аслида бундай бачаналикларни «кашф» қилаётган ҳам айнан ёшлар. Ахир қандайдир хорижий кийимларни ҳеч ким бизга мажбурлаб кийдириб қўяётгани йўқ-ку. Ҳар биримиз ўз дунёқарашимиз, дидимиздан келиб чиқиб кийинмоқдамиз.

Замонавий бўламиз деб, замонга ёпишиб олдик. Замон ўзгариб кетяпти, деб жар соламиз. Тўғри, ўзгаряпти. Лекин у қай шакл ва қай мазмунда, кимнинг қандай манфаати учун ўзгармоқда? Буни ҳисобга олаяпмизми? Бугун миллий қадриятларимизни тиклаш, уни одамлар, хусусан, биз ёшлар онгига сингдириш ва шу орқали қалбимизда ўтмишдаги улуғ фазилатлардан, анъаналардан фахрланиш туйғуларини уйғотиш замон мафкурасининг талаби бўлиб турган бир вақтда баъзи ёшларимизнинг очиқ-сочиқ кийинишлари, бачкана пардоз-андозларини қандай ҳазм қилиш мумкин? Бу ҳаракатлар миллий қадриятларимиздан узоқлашишнинг очиқ кўриниши эмасми? Бу ҳолат бизни юқорига эмас пастга, бошқачароқ қилиб айтганда, маънавий инқироз томон бошламаяптимикин?

Назаримда, кийиниш бобида биз бошқаларга эргашишга мўҳтож эмасмиз. Миллий матоларимиздан, атласларимиздан замонавий, миллий кийимларни тиктириш мумкинку. Тўғри, замонга мос, ўзимизга ўнғай кийимларни кийишимиз керак. Аммо, уят, шарм-ҳаёни эсдан чиқармаслик шарт, деб ўйлайман.

Дилдора БАБАЖАНОВА, Нукус давлат педагогика институти талабаси



— Минг йиллар давомида шаклланиб сайқал топиб келган шарқона урф-одатларимизни ривожлантириш, миллий маданиятимизнинг узвий бўлаги бўлган ўзига хос анъана ва одатларимизни тиклаш, уларни ёшларимиз онгига сингдириш бугунги кунда нафақат маданиятга масъул бўлган кишилар, балки кенг жамоатчилик, таълим, ўқув юртлари мутасаддилари, ота-оналар зиммасидаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Қадимдан ота-боболаримиз ҳам ўз замонасида амал қилинган урф-одати, анъаналарни ҳаёт ғалвиридан ўтказиб, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратганлар ва энг мақбулларини келажак авлодларга мерос қолдирганлар. Шу тариқа улар бизгача етиб келган. Миллатимиз маданиятига, менталитетимизга, тўғри келмайдиган олифтанамо расм-русумлар, очиқ-сочиқ кийинишга қарши курашганлар.

Ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам аёл зотининг кийиниши, юриш-туриши, шарму ҳаёси, иффати ҳақида юзлаб асарлар яратилган, яратилмоқда. Уларда аёллар ҳақиқий гўзаллик тимсолларига айлантирилди, ҳусну латофатини янада оширувчи атласдек сержило матолар яратилди. Бу матолардан тикилган либосларни кийган хотин-қизлар нафақат шаркда, балки ғарбда ҳам юксак эҳтиром билан тилга олиниши барчамизга маълум.

Худди шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш лозим. Дунёда инсон кўзидан неки пинҳон тутилса, ёки камёб бўлса, ўша нарсага нисбатан қизиқиш ортади. Сирли, сеҳрли туюлаверади. Қадим-қадимдан аёлларимизнинг бошдан-оёқ ёпиқ ва мос кийим кийиб юришларида биринчидан шу нарса эътиборга олинган бўлса, иккинчидан улар табиат таъсирларидан ҳимоя қилинган. Бу аёл зотининг соғлом яшашида, соғлом ўғил-қизларни вояга етказишдек вазифани бажаришида муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Бугун-чи? Ғарбона юриш-туришга, кийим-кечакка кўр-кўрона тақлид қилувчи қиз-жувонларимиз кўпайиб кетаётганлиги жуда ачинарли ҳолдир. Ҳаво исиши билан кўчада ярим яланғоч қизларни кўриб, энсанг қотади. Сочлари қирқилган, сариғу қизилга бўялган, кийган кийимини кўриб уяласан киши. Айрим қизлар эса шунчалик тор шим кийиб олишаяптики... кўриб туриб «Астағфируллоҳ!» деб юборганингни билмай қоласан.

Буларнинг барчаси бизнинг менталитетимизга, миллатимиз шаънига мутлақо тўғри келмайди, деб ўйлайман. Кийинишимиз ўзимизга хос ва мос бўлиши керак.

Бахшулла РАЖАБ, Бухоро вилояти

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лот 1-1. 4Н-605 «Дарбанд—Мачай» автомобиль йўлининг 0 км.дан 7,1 км.гача қисмини мукаммал таъмирлаш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 577,839 млн. сўм. Қурилиш муддати — 180 кун.

Лот-1-2. 4К-592 «Шўрчи—Жиндибулоқ—Қорлиқ» автомобиль йўлининг 0-3 км. қисмини мукаммал таъмирлаш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 137,173 млн. сўм. Қурилиш муддати — 150 кун.

Иншоотларнинг қурилиш ишлари Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: ***Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.***
Манзил: ***Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.***
Тел/факс: 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларига, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Шунингдек, Лот 1-1 иншоотининг танлов савдосида қатнашувчи талабгорлар портлатиш ишларини олиб бориш учун махсус рухсатномага эга бўлишлари ёки шу соҳа бўйича ёрдамчи пудрат корхоналарини жалб қилишлари талаб этилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳар, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз — Ғузор сув қувури ва Шаҳрисабз туманида сув йиғиш иншооти қурилиши.

Қурилиш муддати — 45 кун. Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 60 355 000 сўм.

Буюртмачи — Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.

Манзил: — ***Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.***
Телефон: (8-375) 227-16-56, 227-19-82.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:

♦ етарли касбий ва техникавий малакага;

♦ иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;

♦ молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;

♦ шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;

♦ юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уйда жойлашган Қашқадарё вилоят капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 223-10-63.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин

«Буюртмачи» — Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси биносида ўтказилади.
Манзил: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teridi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

f — 349
11574 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 02.20
Topshirilgan vaqti — 02.30
2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda